

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАРШИЕВА ДИЛАФРУЗ СУЮНОВНА**

**ПЕДАГОГ ШАХСИДА КАСБИЙ СТРЕСС ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) психологических наук**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctoral of Philosophy (PhD)  
on Psychological Sciences**

**Қаршиева Дилафруз Суюновна**

Педагог шахсида касбий стресс вужудга келишининг психологик  
хусусиятлари.....3

**Қаршиева Дилафруз Суюновна**

Психологические особенности проявления профессионального стресса у  
личности педагога .....29

**Kharshiyeva Dilafruz Suyunovna**

Psychological features of the manifestations of professional stress in a pedagogical  
person .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАРШИЕВА ДИЛАФРУЗ СУЮНОВНА**

**ПЕДАГОГ ШАХСИДА КАСБИЙ СТРЕСС ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/P149 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаев Нуриддин Салихович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурасулов Рустам Абдураимович**  
психология фанлари доктори, доцент

**Сирлиев Бахтиёр Назарович**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди. (2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ғ.Б.Шоумаров**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

**Х.А.Кадирова**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

**В.М.Каримова**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, психол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда касбий фаолият мутахассис шахсидан фаолиятга тегишли билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, стрессоген омилларга чидамликни таъминлаш механизмлари амалиётга тадбиқ этилган. Жумладан, “2013-2030 йилларда психик саломатликни сақлаш бўйича ҳаракатлар дастури” да Халқаро стрессни бошқариш ассоциацияси мутахассислари томонидан иш жараёнида юзага келадиган негатив психик зўриқишлар, ишчи-ходимларда касбий чарчоқ, сурункали толиқиш, эмоционал-иродавий жараёнлардаги бузилишлар, касбий стресс психопрофилактикаси ва намоён бўлишининг психологик хусусиятларини комплекс аниқлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида стресс ва уни келтириб чиқарувчи психофизиологик, эмоционал, когнитив омилларни аниқлаштириш, касбий фаолият билан шуғулланаётган ходимлар орасида касбий стресснинг салбий асоратлари натижасида кузатилаётган касбий деформация намоён бўлишини камайтириш, ходимнинг психосоциал саломатлигини ёмонлашуви, рақобатбардошлик сифатларининг сусайиши, ходимларнинг касбий стрессга барқарорлигини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга психопрофилактик, психокоррекцион таъсир усулларининг самарадорлигини ошириш, педагог шахсида касбий стресс вужудга келишини психологик хусусиятларини аниқлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда инсон психик саломатлигини сақлаш, психология соҳасида кадрлар тайёрлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг маънавий-ҳуқуқий асослари яратилди, моддий техник база кенгайтирилди. Ҳусусан, “... жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” устувор вазифа этиб белгиланди. Бу бўлажак мутахассис шахсида салбий негатив таъсирларни олдини олиш, бартараф этиш, педагогик фаолият билан боғлиқ касбий стресс ва унинг детерминантларини тадқиқ этиш, педагогларда касбий стрессга барқарорликни шакллантиришнинг амалий жиҳатларини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида кўрсатилган “соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ–4623-сонли “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган “тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сонли “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган “Психологик саломатлик йўлида Ўзбекистон” шиори остида миллий тарғибот компаниясини амалга ошириш” билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга мазкур илмий иш муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Стресс, касбий стресс муаммоси кўпгина психолог олимлар томонидан тадқиқ этилганлигига қарамадан касбий стрессни вужудга келишининг психологик хусусиятларини эмпирик ўрганишга қаратилган илмий ишлар сони етарлича даражада кўп эмас. Ўзбекистонда педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари, педагогик фаолият ва педагог шахсининг эмоционал соҳасини ривожланиши, стресс ва унинг психофизиологик асослари, инсон саломатлиги ва касбий стресс Э.З.Усманова, В.М.Каримова, Р.С.Самаров, З.Б.Мадалиева, Б.Н.Сирлиев, ўзбек педагогларининг этнопсихологик хусусиятлари ва педагогик фаолиятни ташкил этишда шахс хусусиятларининг аҳамияти масалалари Р.З.Гайнутдинов, М.Капланова, И.И.Махмудов, А.А.Бекназаров, Ю.М.Асадов, А.М.Жабборов, А.И.Расулов, Ш.Ҳ.Абдуллаевалар томонидан тадқиқ этилган.

В.А.Бодров оператор фаолиятидаги инфорацион стресснинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда когнитив жараёнларнинг инфорацион стресс билан боғлиқлик томонларини, Н.Э.Водопьянова, Л.Г.Дикая, А.Н.Занковский, Л.А.Китаев-Смык, А.Б.Леонова, Н.В.Самоукина, Дж.Шерит ва Г.Салвенди, В.В.Барабанщиковалар эса меҳнат жамоасида юзага келадиган касбий стресслар ва уларни келтириб чиқарувчи стрессоген омилларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, касбий бузилишлар, касбий фаолият ҳамда инсон психофизиологияси орасидаги корреляцион алоқадорликни, Н.В.Мальцева, Е.В.Шемяковалар педагогик фаолиятдаги касбий стресслар, психик сўниш синдромини педагог фаолиятида намоён бўлиши ва унинг касбий стресс билан боғлиқлик жиҳатларини тадқиқ этганлар.

У.Кэннон ва Г.Сельеларнинг қарашларида эса психологик стресс инсон организмидаги физиологик мослашиш механизмининг натижаси сифатида талқин қилинган бўлса, Дж.Виткин аёлларда юзага келадиган психологик стрессларнинг ижтимоий-психологик омилларини, А.Т.Бек психологик стресс ва психик бузилишлар орасидаги ўзаро боғлиқликни илмий асосда ёритиб берганлар.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик

етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш (2017-2021 йй.)” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагог шахсида касбий стрессни вужудга келишига таъсир этувчи психологик хусусиятларни бартараф этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

педагогларда касбий стресснинг вужудга келишига таъсир этувчи омилларни психологик имкониятларини таҳлил этиш;

педагогик жамоада касбий стрессни вужудга келтирувчи омилларни бартараф этиш;

педагогларда касбий стресснинг психик ва эмоционал сўниш даражаси билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш;

педагоглардаги касбий стресс даражасини камайтиришга қаратилган психокоррекцион тренингларни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** педагог шахсидаги касбий стресс вужудга келиш жараёни бўлиб, Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 304-сон мактаб (41 нафар), Наманган вилояти Поп туманидаги 10-сон (89 нафар) ва 27-сон мактаблар (41 нафар) ҳамда Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги 4-сон (42 нафар) ва 24-сон мактаблар (58 нафар)нинг жами 271 нафар ўқитувчиларида ўрганилди.

**Тадқиқотнинг предмети** педагог шахсида касбий стресснинг намоён бўлиш хусусиятлари, омилларини такомиллаштиришнинг механизмлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатиш, “Касбий стресс даражасини аниқлаш шкаласи” (Д.Фонтан), “Психик сўнишни аниқлаш методикаси” (А.А.Рукавишников), “Шахснинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги ва адаптивлигини баҳолаш методикаси” (В.Симонов, Ю.Дементьев), “Эмоционал сўниш даражасини диагностика қилиш” (В.В.Бойко), “Жамоанинг ўзини ўзи ижтимоий-психологик баҳолаши” сўровномаси (Р.С.Немов), математик статистика методлари (К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти, Стъудентнинг t-мезони) ёрдамида тадқиқот жараёнида олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш, уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

касбий стресс намоён бўлишининг психологик стрессдан фарқли равишда педагогик иш стажига боғлиқ динамик хусусиятлари педагогларда “Касбий стресс даражасини аниқлаш шкаласи” методикасининг модификацияланган шакли орқали аниқланган;

педагогларнинг инновацион касбий фаолиятга тайёрлиги ва педагогик жамоадаги ижтимоий психологик муҳитни касбий стресс намоён бўлишига таъсирини аниқлашнинг диагностик имкониятлари “Шахснинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги ва адаптивлигини баҳолаш методикаси” ва “Жамоанинг ўзини ўзи ижтимоий-психологик баҳолаши” сўровномасини миллий кадриятларга мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

педагогларда психоэмоционал ҳолсизланиш (сурункали жисмоний ва психик чарчоқ), деперсонализация (шахснинг ўз-ўзини идрок қилиш жараёнини

бузилиши, педагогнинг ўз шахсига нисбатан кадрсизларча муносабат), касбий мотивациянинг пасайиши каби стрессоген омилларнинг таъсирини камайтириш орқали касбий стрессга барқарорликни шакллантиришга қаратилган “Ўзингга ишон” тренинглар мажмуини қўллаш имконияти копинг-хулқ стратегияларини ривожлантириш асосида кенгайтирилган;

педагогларда касбий стрессни бартараф этишга қаратилган психопрофилактик ва психокоррекцион ишлар, шахсни психоэмоционал ҳолатининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш педагогнинг ижтимоий-когнитив, эмоционал, мотивацион соҳаларига таъсир этишга қаратилган психологик тренинг машғулотларини SWOT таҳлили технологияси асосида ишлаб чиқиш орқали ривожлантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

педагогик фаолиятда касбий стресс вужудга келишининг педагогик стажига билан боғлиқлик жиҳатлари илмий фактлар асосида ёритиб берилган;

педагогларда касбий стресснинг вужудга келишига таъсир этувчи педагогик жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит ва педагогнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан боғлиқ касбий компетентлигига оид далилларни келтирилганлиги касбий стресс репрезентативлигини прогнозлаш имкониятини оширган;

педагогик фаолиятдаги касбий стрессга мойилликни ортишига олиб келувчи психоэмоционал омилларнинг таъсири эмпирик жиҳатдан таҳлил қилинган;

касбий стрессни вужудга келишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш орқали касбий стрессга барқарорликни шакллантириш технологияси ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши, олинган эмпирик натижаларни қайта ишлаш математик-статистик таҳлил қилиш усуллардан фойдаланилганлиги (омилли таҳлил, дискриминант таҳлил, корреляцион таҳлил, дисперсион таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишончлилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти педагоглардаги касбий стресснинг педагогик иш стажига ҳамда эмоционал сўниш, педагогнинг касбий фаолиятга тайёрлик даражаси, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитнинг касбий стресслар билан алоқадорлиги ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш ҳамда муайян тизимга солиш орқали педагогик психология, касб психологияси, психологик хизмат, умумий психология каби фанларни эмпирик далиллар билан бойитилганлиги, педагоглардаги касбий стрессга барқарорликни шакллантиришда шахс индивидуал психологик хусусиятларини, эмоционал, когнитив омилларни ҳисобга олган ҳолда психокоррекцион таъсир усулларини таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг педагогларда



касбий стрессга барқарорликни шакллантиришга қаратилган чоратadbирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилишида, педагогик фаолиятдаги касбий стрессни вужудга келишига таъсир этувчи омиларни ўрганиш орқали педагог шахсига психологик таъсир этиш технологиясини ёритиб берилишида, касбий стрессга барқарорликни оширишнинг амалий имкониятларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари психолог кадрлар амалий тайёргарлигини оширишга ёрдам беришида ўз ифодасини топган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Педагогларда касбий стресс вужудга келишининг психологик хусусиятларини ўрганишга доир олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

касбий стресс намоён бўлишининг психологик стрессдан фарқли равишда педагогик иш стажига боғлиқ динамик хусусиятлари, педагогларда “Касбий стресс даражасини аниқлаш шкаласи” методикасининг модификацияланган шакли орқали аниқланган педагогик эрудиция, импровизация қилиш қобилияти, шахслараро муносабатларда ўзаро бир-бирини тушуниш даражасига оид маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 3-сонли буйруғига асосан “Касб психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-3а-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида бўлажак педагог психологларнинг педагог шахси ҳамда педагогик фаолият билан боғлиқ касбий стресс ҳақидаги билимларини такомиллаштириш орқали уларнинг касбий компетентлик даражасини ортишига эришилган;

педагогларнинг инновацион касбий фаолиятга тайёрлиги ва педагогик жамоадаги ижтимоий психологик муҳитни касбий стресс намоён бўлишига таъсирини аниқлашнинг диагностик имкониятлари “Шахснинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги ва адаптивлигини баҳолаш методикаси” ва “Жамоанинг ўзини ўзи ижтимоий-психологик баҳолаши” сўровномасини миллий кадриятларга мослаштириш асосида берилган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 3-сонли буйруғига асосан “Касб психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-3а-сонли маълумотномаси). Илмий ишда келтирилган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш натижасида Марказдаги лабораториялар илмий-методик таъминотининг бойитилишига ва педагог-психологларнинг касбий стрессни намоён бўлишини прогнозлаш имкониятини берувчи кўникмаларини шакллантиришга эришилган;

педагогларда психоэмоционал ҳолсизланиш (сурункали жисмоний ва психик чарчоқ), деперсонализация (шахснинг ўз-ўзини идрок қилиш жараёнини бузилиши, педагогнинг ўз шахсига нисбатан кадрсизларча муносабат), касбий мотивациянинг пасайиши каби стрессоген омилларнинг таъсирини камайтириш орқали касбий стрессга барқарорликни шакллантиришга қаратилган “Ўзингга ишон” тренинглар мажмуини қўллаш имконияти копинг-хулқ стратегияларини

ривожлантириш бўйича таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 3-сонли буйруғига асосан “Психогигиена” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-3а-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётда қўллаш натижасида бўлажак амалиётчи психологларнинг “эмоционал толерантлик”, “касбий стрессга барқарорликни”ни ривожлантириш борасидаги касбий компетенциялари такомиллаштирилган;

педагогик фаолиятни ташкил этиш жараёнида шахсни психоэмоционал ҳолатининг кучли ва заиф томонларини баҳолаб бориши учун SWOT таҳлили технологиясига асосланган педагогнинг ижтимоий-когнитив, эмоционал, мотивацион соҳаларига таъсир этишга қаратилган психологик тренинг машғулотларини ишалаб чиқиш орқали педагогларда касбий стрессни бартараф этишга қаратилган психопрофилактик ва психокоррекцион таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 3-сонли буйруғига асосан “Консультатив психология ва психокоррекция” модули мавзулари мазмунини оптималлаштиришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-3а-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсияларнинг амалда қўлланилиши натижасида амалиётчи психологларнинг педагоглар жамоаси билан касбий стрессни бартараф этишга қаратилган психокоррекцион тадбирларни олиб бориш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув-услубий таъминот базасини оптималлаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий ҳамда 1 халқаро платформа базасидаги журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, методлар, объект ва предмет аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда тадбиқ этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумотлар

келтирилган.

Диссертациянинг “Касбий стресс муаммоси педагогик-психологик манбаларда ўрганилганлиги” деб номланган биринчи боби мазмуни адабиётлар таҳлиliga қаратилган бўлиб, унда У.Кэннон, Г.Селье, Н.М.Сандомирский, В.А.Бодров, А.Т.Бек, Г.Л.Каплан Н.Л.Фербароу, Э.Ф.Ғозиев, Э.З.Усманова, З.М.Мадалиева, М.Капанова каби психологларнинг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган ва касбий стрессни келтириб чиқарувчи омилларга оид маълумотлар тизимлаштирилган. Стресс инглизча “stress” (зўриқиш, босим) деган сўздан олинган бўлиб, организмнинг турли ноқулай омилларга ноодатий адаптацион реакциялари мажмуидир. Касбий стресс эса, айнан меҳнат жараёнидаги жадал шароити туфайли юзага келадиган психологик зўриқиш ҳолатидир. Касбий стрессни келтириб чиқарувчи омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) объектив – меҳнат шарт-шароитлари, раҳбар ва ҳамкасблар билан шахслараро муносабатлар; б) субъектив – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ омиллар.



1-расм. Мак Граснинг касбий стресс модели.

Касбий стресс муаммоси қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган ва касбий стрессни келиб чиқиш модели ишлаб чиқилган. Касбий стресснинг вужудга келишини батафсилроқ таҳлил қилиш имконини берувчи моделлардан бири Мак Грас томонидан таклиф этилган. Ушбу моделга биноан, стресснинг манбаи объектив вазият ҳисобланади. Мазкур вазият унинг баҳолаш механизми орқали субъектив равишда акс эттирилгандек идрок этилади. Бу баҳо махсус реакцияни намоён бўлиши ҳақидаги қарорларни қабул қилиш босқичига ўтади. Реакциялар асосан ҳулқ-атворли, физиологик ва психологик жиҳатларни ўзаро бирлашган ҳолда эмас, балки онгли ҳулқ-атвор сифатида намоён бўлади (1-расм).

Ишнинг биринчи бобида касбий стресс вужудга келишига оид назариялар

тахлили келтирилган. Шу билан бир қаторда илмий манбаларда келтирилган педагоглардаги касбий стресснинг турли омиллари юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

Диссертациянинг “Педагогларда касбий стресс намоён бўлишининг экспериментал таҳлили” деб номланган иккинчи бобида, аввало касбий стресснинг педагогик фаолиятда намоён бўлиши педагогик стажга боғлиқлик томонлари ва унга таъсир этувчи омилларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиб берилган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Педагогларда касбий стресс намоён бўлишининг хусусиятлари (N =271)**

Шкалалар номи	Синалувчиларнинг натижалари:			
	5 йилгача иш стажи (N =47)	10 йилгача иш стажи (N =44)	15 йилгача иш стажи (N =51)	15 йилдан юқори иш стажи (N =129)
Касбий стресснинг паст даражаси	5,9%	5,7%	4,1%	3,6%
Касбий стресснинг ўрта даражаси	12,3%	16,1%	8,1%	14,1%
Касбий стресснинг юқори даражаси	1,1%	1,0%	9,6%	18,4%

Келтирилган 1-жадвалдан 30,1% синалувчиларда касбий стресс даражаси юқорилиги аниқланди, шундан 5 йилгача иш стажига эга бўлган педагогларда 1,1%, 10 йилгача иш стажига эга бўлганларда 1%, 15 йилгача иш стажига эга педагогларда 9,6%, 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимларда 18,4%ни ташкил этди.

Агар натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, иш стажи ортиб бориши билан синалувчиларимиздаги касбий стрессга мойиллик даражаси ортиб борганлигини кўришимиз мумкин. Ёш мутахассислар ҳар томонлама куч ва ғайратга тўла бўлганлиги боис, дастлабки 10 йилда касбий стресснинг даражаси унчалик катта кўрсаткичга эга бўлмаган. Чунки, 5 йилгача бўлган даврда педагог жамоага мослашиш ва ўз ўрнига эга бўлиш учун берилган топшириқларни интенсив тарзда ўзлаштириб бажаришга ҳаракат қилади. Беш йилдан 10 йилгача бўлган муддатда эса, энди улар жамоада ўз мавқеига эга, ҳар қандай вазиятдан педагогик ижодкорлик билан чиқиб кета оладилар. Шу боисдан, касбий стрессга унчалик берилмайдилар. Ўн беш йилдан ортиқ педагогик фаолият билан шуғулланаётган педагогларимизда касбий стресс даражаси юқори чиққан. Мазкур ҳолат уларда тафаккурдаги ригидлик, ижтимоий стереотиплар, ишчанлик даражасининг пастлиги, юқори даражадаги хавотирланиш, эмоционал зўриқишлар, чарчоқ, эмоционал нотурғунликнинг юқорилиги; аксарият синалувчиларимиз 25-30 йиллик иш стажига эга эканлигини ҳисобга олсак, улардаги нафақага чиқиш билан боғлиқ хавотирланишнинг кучлилиги билан характерланади.

Касбий стресснинг ўрта даражаси 50,6% синалувчиларда аниқланди.

Бунда иш стажи 5 йилгача бўлганлар 12,3%, 10 йилгача бўлганлар 16,1%, 15 йилгача бўлганлар 8,1%, 15 йилдан юқори бўлганлар 14,1%ни ташкил этган. Юқоридаги кўрсаткичларда иш стажи ортгани сари касбий стресснинг ўрта даражаси бўйича натижалар ортиб борган. Мазкур кўрсаткич ўқитувчиларнинг тўлиқ ишга кўмиб ташланганлиги натижасида бўш вақтнинг йўқлиги, педагогик жамоадаги муҳитнинг носоғломлиги, педагогнинг касбий тайёргарлик даражасининг пастлиги ёки берилган топшириққа нисбатан ҳаддан ортиқ масъулиятнинг юқорилиги, маъмурият томонидан бериладиган топшириқларни ходимларнинг салоҳиятини ҳисобга олмай берилиши билан боғлиқ. Фақатгина, 15 йилгача иш стажига эга бўлган педагогларнинг кўрсаткичларига келганда тенденция бироз пасайган. Бизнинг назаримизда, бу даврга келиб педагог жамоада ўз мавқеига эга ва берилган топшириқлар, педагогик муаммолар ечимини конструктив тарзда ҳал қилиш ҳамда шахслараро муносабатларда ҳамкорликка интилиш кучли бўлади. У педагогик жамоа, педагогик фаолиятнинг “паст-баланди”ни тўғри таҳлил қилган ҳолда вазиятга мослашишга уринади.

Касбий стресснинг паст даражаси 19,3% синалувчиларда аниқланди. Шундан, 5,9%и 5 йилгача, 5,7%и 10 йилгача, 4,1%и 15 йилгача, 3,6%и 15 йилдан юқори иш стажига эга бўлганлар ташкил этди. Мазкур синалувчиларда педагог учун касбий муҳим сифатлар, яъни, эмпатия, эрудиция, педагогик тафаккур, интуиция, импровизация қилиш қобилияти, кузатувчанлик, оптимизм, рефлексия, ички мотивация ва ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжининг юқорилиги касбий стрессга мойиллик даражасини камайтиради ва стрессли вазиятлардан оқилона чиқиб кетишларини таъминлайди. Лекин 1-жадвалда келтирилган натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, иш стажи ортган сари педагогларда касбий стресснинг паст даражаси кўрсаткичи камайиб бормоқда. Бу улардаги эрудиция ёки педагогик маҳорат даражасининг пасайиб кетаётганлигидан эмас, балки фан-техника соҳасидаги янгиликларни ёшга оид хусусиятларга боғлиқ равишда ўзлаштиришнинг қийинлашувида, педагог шахсига қўйиладиган талабларнинг борган сари ортиб бораётганлиги, организмдаги психофизиологик ўзгаришлар, педагогик жамоадаги ижтимоий етакчиликни қўлдан чиқаришни истамаслик ёки ўзининг ёшга оид “статус”идан фойдаланган ҳолда масъулиятни ёшроқ мутахассисларнинг зиммасига юклаб қўйиш билан боғлиқ ҳолатдир.

Касбий стресс даражаси юқори ва ўртача кўрсаткичга эга бўлган респондентларимиз экспериментал гуруҳни ташкил этган. Биз ўз илмий тадқиқотимиз давомида педагогларда касбий стресс вужудга келишига таъсир этувчи ҳиссий-иродавий, когнитив омиллар, яъни, шахсдаги эмоционал зўриқиш, ижтимоий-психологик мослашганлик, касбий мотивация, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит, психик зўриқишни, психологик хусусиятларининг шаклланганлик даражаси билан боғлиқлик томонлари тадқиқ этдик.

Диссертацион тадқиқотимиз натижалари келтирилган 2-жадвалдан кўриниб турибдики, касбий стресснинг юқори даражаси 15 йилгача педагогик стажга эга педагогларда психоэмоционал ҳолсизланиш ( $r=0,36$ ;  $p\leq 0,05$ ),

деперсонализация ( $r=0,33$ ;  $p\leq 0,05$ ), (КМП берилмаган), зўриқиш ( $r=0,53$ ;  $p\leq 0,001$ ), қаршилик ( $r=0,41$ ;  $p\leq 0,001$ ), сўниш ( $r=0,45$ ;  $p\leq 0,001$ ), 15 йилдан ортиқ ишлаганларда эса психоэмоционал ҳолсизланиш ( $r=0,35$ ;  $p\leq 0,001$ ), деперсонализация ( $r=0,33$ ;  $p\leq 0,001$ ), зўриқиш ( $r=0,19$ ;  $p\leq 0,05$ ), қаршилик ( $r=0,22$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан ижобий статистик аҳамиятли корреляцияга эга эканлиги аниқланди.

Касбий стресснинг ўрта даражаси 5 йил иш стажига эга бўлганларда қаршилик ( $r=0,35$ ;  $p\leq 0,05$ ), сўниш ( $r=0,35$ ;  $p\leq 0,05$ ), 15 йилдан ортиқ ишлаганларда психоэмоционал ҳолсизланиш ( $r=0,28$ ;  $p\leq 0,001$ ), деперсонализация ( $r=0,31$ ;  $p\leq 0,001$ ) билан статистик аҳамиятли равишда боғлиқ эканлиги кузатилди.

Касбий стресснинг паст даражаси 5 йилгача иш стажига эга бўлганларда психоэмоционал ҳолсизланиш ( $r=-0,34$ ;  $p\leq 0,05$ ), зўриқиш ( $r=-0,37$ ;  $p\leq 0,05$ ), қаршилик ( $r=-0,37$ ;  $p\leq 0,05$ ), сўниш ( $r=-0,38$ ;  $p\leq 0,001$ ), 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларда эса психоэмоционал ҳолсизланиш ( $r=-0,28$ ;  $p\leq 0,001$ ), деперсонализация ( $r=-0,33$ ;  $p\leq 0,001$ ), зўриқиш ( $r=-0,18$ ;  $p\leq 0,05$ ) орасида тескари статистик алоқа аниқланди.

Иккинчи жадвалда келтирилган маълумотларни умумий таҳлил қиладиган бўлсак, қаршилик ва сўниш фазалари ўртасидаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, касбий стресс шунчалик юқорики, “психик сўниш” ва психик ресурсларнинг сўниши зўриқишнинг қуйи фазасини келтириб чиқармоқда. Педагоглардаги психик сўниш синдроми ўз ичига ахлоқий дезориентация, ишга ва меҳнат субъектига танлаб муносабатда бўлишини қамраб олган деперсонализациянинг доминант эканлигини кўрсатмоқда.

Касбий стресс касбий фаолиятга мослашиш синдроми бўлиб, инсон психикасининг барча ички имкониятларини сафарбар этилишини талаб этади, сўниш синдроми эса ана шу мослашиш жараёнидаги муаммолар натижасида келиб чиқади. Педагоглардаги сўниш синдроми ва уни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили шуни кўрсатдики, психик сўниш синдроми экологик дисфункцияга эга бўлиб, шахсий ва ижтимоий омилларнинг интегратив таъсири натижасида юзага келади. Касбий стресс шахснинг педагогик жамоага мослашиш жараёнида ички ресурсларини намоён қилиши билан боғлиқ вазият бўлса, психик сўниш эса мазкур мослашув жараёнининг муваффақиятсиз кечганида юзага келадиган психоэмоционал ҳолатдир.

Касбий стресс ва касбий тайёргарлик ҳамда жамоадаги ижтимоий психологик муҳит орасидаги боғлиқлик 3-жадвалда келтирилган.

## Педагоглардаги касбий стресс ва психоэмоционал сўнишнинг алоқадорлиги (N =271)

Мезонлар	Касбий стресснинг юқори даражаси				Касбий стресснинг ўрта даражаси				Касбий стресснинг паст даражаси			
	5 йил-гача	10 йил-гача	15 йил-гача	15 йил-дан ортиқ	5 йил-гача	10 йил-гача	15 йил-гача	15 йил-дан ортиқ	5 йил-гача	10 йил-гача	15 йил-гача	15 йил-дан ортиқ
Иш стажи												
Психоэмоционал ҳолсизланиш	0,20	-0,02	0,36*	0,35**	0,25	0,05	0,15	0,28**	-0,34*	0,17	-0,26	-0,28**
Деперсонализация	0,20	0,06	0,33*	0,33**	0,13	0,05	0,16	0,31**	-0,24	0,13	0,27	-0,33**
КМП	-0,06	-0,04	0,08	0,16	0,06	0,05	0,16	0,11	-0,003	0,01	-0,19	-0,13
Зўриқиш	0,13	-0,15	0,53**	0,19*	-0,36	0,25	-0,17	0,16	-0,37*	-0,11	-0,09	-0,18*
Сўниш	0,08	-0,13	0,45**	0,17	0,35*	0,17	0,02	0,14	-0,38**	-0,05	-0,18	-0,15
Қаршилиқ	0,05	-0,11	0,41**	0,22*	0,35*	0,27	-0,04	0,11	-0,37*	-0,11	-0,09	-0,11

Изоҳ: \* p≤0,05; \*\* p≤0,01.

**Педагоглардаги касбий стресснинг касбий тайёргарлик  
ва жамоадаги ижтимоий психологик муҳит билан алоқадорлиги (N =271)**

Психологик ўзгарувчилар	Касбий стресснинг юқори даражаси				Касбий стресснинг ўрта даражаси				Касбий стресснинг паст даражаси			
	5 йил-гача	10 йил-гача	15 йил-гача	15 йил-дан ортиқ	5 йил-гача	10 йил-гача	15 йил-гача	15 йил-дан ортиқ	5 йил-гача	10 йил-гача	15 йил-гача	15 йил-дан ортиқ
Ижодий қобилият	0,08	-0,35*	-0,31*	0,03	-0,25	-0,20	0,06	-0,12	0,13	0,25	-0,16	0,11
Ишчанлик	0,04	-0,46*	0,21	-0,11	-0,14	-0,19	0,17	-0,08	0,16	0,26	-0,21	0,12
Коммуникативлик	-0,01	-0,04	-0,02	-0,02	0,004	-0,18	0,13	-0,11	0,02	0,39*	-0,08	0,19*
Адаптация	-0,16*	0,08	0,13	-0,01	0,51*	-0,22	-0,13	-0,02	-0,09	0,45*	0,09	0,04
Ўз кучига бўлган ишонч	0,11	0,12	0,10	0,001	0,27	-0,20	-0,05	-0,01	-0,35*	0,11	0,04	0,04
Ўз ўзини бошқариш	0,05	-0,02	-0,16*	0,11	0,57	-0,14	-0,13	-0,03	-0,09	0,05	0,13	0,04
Гуруҳ яхлитлигини сақлаш	-0,06	-0,14	0,07	0,16	-0,14	0,21	-0,14	-0,20*	0,11	-0,04	0,02	0,22*
Жипслилик	-0,07	-0,17	0,01	-0,18*	-0,11	0,18	-0,08	-0,23**	0,07	-0,07	0,33**	0,21*
Киришувчанлик	-0,14	-0,15*	-0,07	0,14	-0,17	0,08	-0,003	-0,20*	0,08	0,04	-0,05	0,20*
Самимийлик	-0,02	-0,28	0,01	0,15	-0,22	0,14	-0,05	-0,15	0,16	0,05	-0,04	0,18*
Ахборотга эгалик	-0,08	-0,18	0,04	0,15	-0,08	0,03	-0,02	-0,19*	0,04	0,12	-0,06	0,22*
Масъулиятлилик	-0,10	-0,24	0,04	0,17	-0,13	-0,004	-0,11	-0,19*	0,13	0,18*	0,002	0,19*

Изох: \* p≤0,05; \*\* p≤0,01.



Кўрсаткичларга кўра, 5 йилгача иш стажига эга бўлган педагогларда касбий стресснинг юқори даражаси адаптация ( $r=-0,16$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан, 10 йилгача иш стажига эга бўлганларда ижодга бўлган қобилият ( $r=-0,35$ ;  $p\leq 0,05$ ), ишчанлик қобилияти ( $r=-0,46$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан, 15 йилгача иш стажига эга бўлган ўқитувчиларда ижодга бўлган қобилият ( $r=-0,31$ ;  $p\leq 0,05$ ), ўз-ўзини бошқариш даражаси ( $r=-0,16$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан аҳамиятли тесқари корреляцияга эга эканлиги аниқланди.

Касбий стресснинг ўрта даражасида фақатгина 5 йилгача иш стажига эга бўлган педагогларда адаптация ( $r=0,51$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан ижобий аҳамиятли статистик корреляция аниқланган бўлса, касбий стресснинг паст даражаси 5 йилгача иш стажига эга бўлганларда ўз кучига ишонч ( $r=-0,35$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан тесқари, 10 йилгача иш стажига эга бўлганларда коммуникативлик ( $r=0,39$ ;  $p\leq 0,05$ ), адаптация ( $r=0,45$ ;  $p\leq 0,05$ ), 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган педагогларда коммуникативлик ( $r=0,19$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан ижобий аҳамиятли статистик боғлиқликка эга эканлиги кузатилди. Қолган ҳолатларда статистик аҳамиятли боғлиқлик тадқиқот натижаларида қайд этилмади. Умуман олганда педагогнинг касбий тайёрлик даражаси унинг касбий компетентлигини англади. Агар педагогнинг педагогик, ижтимоий компетентлик даражаси ҳамда шахслараро муносабатларда ўзини-ўзи бошқариш кўникмаси юқори бўлса, бундай педагогларнинг касбий стрессга мойиллик даражаси паст бўлади. “Жамоанинг ўзини ўзи ижтимоий-психологик баҳолаш” методикаси бўйича олинган кўрсаткичлардан кўриниб турганидек, касбий стресснинг юқори даражаси 10 йилгача иш стажига эга бўлганларда киришувчанлик ( $r=-0,15$ ;  $p\leq 0,05$ ), 15 йилдан ортиқ ишлаганларда жипслик ( $r=-0,15$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан, касбий стресснинг ўрта даражаси 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган педагогларда гуруҳ яхлитлигини сақлашга интилиш ( $r=-0,20$ ;  $p\leq 0,05$ ), жипслилик ( $r=-0,23$ ;  $p\leq 0,001$ ), киришувчанлик ( $r=-0,20$ ;  $p\leq 0,05$ ), ахборотга эғалик ( $r=-0,19$ ;  $p\leq 0,05$ ), масъулиятлилик ( $r=-0,19$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан тесқари статистик аҳамиятли ва касбий стресснинг паст даражаси 10 йилгача иш стажига эга бўлган педагогларда масъулиятлилик ( $r=0,18$ ;  $p\leq 0,05$ ), 15 йилгача иш стажига эга бўлганлар жипслилик ( $r=0,33$ ;  $p\leq 0,001$ ), 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган педагогларда эса гуруҳ яхлитлигини сақлашга интилиш ( $r=0,22$ ;  $p\leq 0,05$ ), жипслилик ( $r=0,21$ ;  $p\leq 0,05$ ), киришувчанлик ( $r=0,18$ ;  $p\leq 0,05$ ), самимийлик ( $r=0,18$ ;  $p\leq 0,05$ ), ахборотга эғалик ( $r=0,22$ ;  $p\leq 0,05$ ), масъулиятлилик ( $r=0,19$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан статистик аҳамиятли корреляцияга эга эканлиги аниқланди.

Ҳар қандай жипсликли, ижтимоий-психологик муҳитли яхши гуруҳни унинг соғлом ва етук, гуруҳ яхлитлигини сақлашга интилувчи аъзолари ташкил этади. Шундай экан, педагогларнинг жамоада яқдилликка ва ўзаро ҳамкорликка интилиш даражаси қанчалик юқори бўлса, педагогларнинг касбий стресс даражаси шунчалик даражада паст бўлади.

Мазкур таҳлилларга асосланиб, педагогларда касбий стрессга барқарорликни шакллантириш зарурати туғилади, деб айта оламиз.

Диссертациянинг **“Педагогларда касбий стрессни бартараф этишнинг психологик метод ва механизмлари”** деб номланган учинчи бобида педагогларда касбий стрессга барқарорликни шакллантиришга қаратилган

психокоррекцион дастурнинг методологик асослари, самарадорлик даражаси таҳлил қилинган.

С.Гремлинг ва С.Ауэрбахлар касбий стрессларни бартараф этишнинг тизимли ёндашувини таклиф этишган ва биз ҳам мана шу тизимли ёндашувга асосланган ҳолда ўз психокоррекцион дастуримизни ишлаб чиқишни маъқул кўрдик. Мазкур ёндашувда стрессоген омилларнинг таъсирига мувофиқ психотерапевтик усулни танлаш таклиф этилган. Улар стрессорларнинг уч турини ажратишган:

1. Бошқариб бўлмайдиган стрессорлар.
2. Назорат қилиш мумкин бўлган стрессорлар.
3. Таҳлилий стрессорлар.

Қуйидаги 4-жадвалда мана шу стрессор турларига мувофиқ метод ва техника асослаб берилган.

**4-жадвал.**

**Стрессор турлари, бартараф этиш методлари ва техникаси**

Стрессор турлари	Бартараф этиш методлари	Бартараф этиш техникаси
Бошқариб бўлмайдиган стрессорлар	Эмоционал соҳага йўналтирилган методлар	Чуқур нафас олиш, мускуллар релаксациясини жадаллаштирувчи тренинглари, визуализация
Назорат қилиш мумкин бўлган стрессорлар	Муаммога йўналтирилган методлар	Ўзига ишончни шакллантиришга қаратилган тренинглари, вақтни бошқаришга, ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган тренинглари
Таҳлилий стрессорлар	Когнитив стратегия	Ноадекват фикрлар, қарашларни ўзгартиришга қаратилган ва стрессоген омиллар таъсирини камайтиришга қаратилган тренинглари.

Махсус ишлаб чиқилган психокоррекцион дастурда стрессга барқарорликнинг ижтимоий-когнитив, эмоционал, мотивацион компонентларини шакллантиришга эътибор қаратилган.

Шакллантирувчи экспериментдан кейинги назорат тажрибаси

натижалари куйидаги 5-жадвалда акс эттирилган.

**5-жадвал.**

**Педагоглар билан олиб борилган аниқловчи ва назорат тажрибаси  
натижалари ўртасидаги статистик тафовут (Стъудент мезони бўйича)**

Психологик ўзгарувчилар	Иш стажи	M <sub>1</sub>	M <sub>2</sub>	t – статистик фарқ кўрсаткичи
Экспериментал гуруҳ (касбий стресс даражаси юқори ва ўрта педагоглар) натижалари	5 йилгача	19,1	15,4	2,97**
	10 йилгача	18,7	14,8	3,03**
	15 йилгача	22,1	18,1	3,14**
	15 йилдан юқори	18,6	18,2	0,2
Назорат гуруҳи (касбий стресс даражаси паст педагоглар) натижалари	5 йилгача	11,7	10,3	0,25
	10 йилгача	11,4	10,5	0,12
	15 йилгача	12,4	12,5	-0,2
	15 йилдан юқори	11,3	11,5	-0,1

Изоҳ: \*  $p \leq 0,05$ ; \*\*  $p \leq 0,01$ .

